



Чоршанба

# Mahalla

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

3

4

- ▶ Даур чўпоннинг даромади қанча?
- ▶ "Дуоба куни" нима бўлади?
- ▶ "Камтарликни ўзинга зеб бил..."
- ▶ Юртимизга хуш келдинг, Меҳржон!
- ▶ "Газета дегани вақтида келса-да!"
- ▶ Энг дароз йигиту узунсоч қизлар...

## Юртимиз спортни довруви

ШАХМАТ

### РУСТАМ ЯНА ГОЛИБ!

Икки ой муқаддам Ливия пойтахти Триполи шаҳрида жаҳон шахмат тожини кийган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов халқаро турнирларда зафарли одимларини давом эттирмоқда.

Жумладан, у Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида ташкил этилган шахмат бўйича «Пуна Интернэйшнл» супертурнирида муваффақиятли қатнашди.

Дунёнинг энг кучли ўн гроссмейстери иштирок этган турнирда тўққиз имкониятдан олти очко жамгарган Р.Қосимжонов руминиялик Ливодитер Нисепяну билан бирга биринчи ўринни эгаллади.

Айни пайтда Р.Қосимжонов хорий йилнинг октябр ойида Испанияда ташкил этиладиган жаҳон шахмат олимпиадасига жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС

### АРТУР яна голиблик юришини бошлади

Профессионал бокс бўйича сойиб жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Артур Григорян Венгриянинг Будапешт шаҳридаги «Kisstadion» спорт мажмуида навбатдаги жангини ўтказди.

Бу гал у венгриялик Ласло Херцег билан куч синашди.

Тажиба ва маҳорат бобида рақибдан анча устун Артур Григорян саккиз раундга мўлжалланган жангни мuddатидан олдин якунлади. Тўртинчи раундда ўзбекистонлик боксчининг кучли ва аниқ зарбасини ўтказиб юрган Ласло Херцег техник нокаутга учради ва мағлубиятини тан олишга мажбур бўлди.

Артур Григорян профессионал боксда ўттиз етти жанг ўтказиб, ўттиз олти тасида галаба қозонган ва бир мартаба мағлубият аламини тортган.

**Зоҳир ТОШЎЖАЕВ,**  
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон — Чехия:

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

САМАРҚАНД. /ЎЗА мухбири Акбар ҚАРШИЕВ/.

Расмий таширф билан мамлакатимизга меҳмон бўлиб турган Чехия Республикаси Президентини Вацлав Клаус 14 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Бонн вазирини Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

### САМАРҚАНД БИЛАН ТАНИШУВ

Чехиялик олий мартабали меҳмон шаҳар билан танишуви Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Ўз даврининг мукаммал илмий ва меъморий мўжизаси саналган ушбу мажмуа ҳамон барчани хайратга солиб келади. Расадхона Чехия раҳбарига катта таассурот қолдириди.

Вацлав Клаус Бибионим масжидини, Гўри Амир мақбарасини томоша қилди. «Сиеб» бозорини бориб кўрди.

Ўзбекистонга таширфим асносида Самарқанддек бетакрор шаҳарни томоша қилганимдан жуда мамнунман, — деди В.Клаус. — Унинг қадимий обидалари менда унутилмас таассурот қолдириди. Олий мартабали меҳмон Алишер Навоий номидида Самарқанд давлат университети хузуридаги янги академик лицей фаолияти билан ҳам танишди.

### Меҳр кўзгуси

## ТОШКЕНТ — 100 ЁШЛИЛАР ШАҲРИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Уста Ширин маҳалласи аҳолиси маҳалла оқсоқали Анвар Юсуповнинг тиниб-тинчимаслиги сабабли тез-тез юзлашиб туришга кўникиб қолган. Яқинда яна шундай юзлашу маҳалланинг энг кекса онахону отахонлари ҳамда кам таъминланган оилаалар фарзандларига меҳр ва оқибат кўрсатиш баҳонасида бўлиб ўтди. Шу кунини юзлаб маҳалладошлар 103 ёшли Шамсия Икромиддинова, 100 ёшга яқинлашиб келатган Обида Юнусова, Турсуной Юнусхонова, Ефросинья Дорманко, Григорий Крупнов, Пайзура Назарова каби онахонлар ва отахонларга ҳомийлар совғасини топшириб, уларнинг кўнглини тоғ қилди.



СУРАТДА: усташиринлик қариялар

Ҳомийлар томонидан кўплаб совғалар олишган кам таъминланган оилалар фарзандларига шу кунини «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви томонидан улар келажакини ўйлаб 100 минг сўм пулга омонат, дафтарчалари ҳам очилди. Шунингдек, шу тадбирда «Нуроний», «Экосан», «Наврўз» жамғармаларининг ҳам совғалари топширилди.

Уша кунини маҳалланинг олий ҳиммат ҳомийлари томонидан кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар болаларининг суннат тўйи ўтказилди.

### Маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолияти қандай?

Маълумки, кейинги йилларда аёлларимизнинг давлат ва жамият тараққиётидаги роли сезиларли даражада ошди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўзига хос муаммоларини ечишда ҳар томонлама кўмак беришдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган Хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини яхшилашга қаратилган ҳукуматимизнинг қатор қарорлари ана шу жараёнда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан ўтказилган «Энг намунали маҳалла хотин-қизлар комиссияси» кўрик-танлови ҳам ушбу хайрли ишларни амалга оширишда ибрат кўрсатаётган маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларини аниқлаш ва уларни муносиб тақдирлаш, шунингдек фаолиятини кенг омалаштиришни кўзда тутди. Яқинда ушбу кўрик-танловнинг республика босқичига яқин ясалди.

Кўрик-танловда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Зангиота кишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси (комиссия раиси Жамила Арслонова) биринчи ўрин, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги Элибод маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси (раиси Қулпаршин Нағмедова) ҳамда Андижон вилояти Жалолқудук туманидаги Бўстон маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси (раиси Раҳиммахон Султонова) иккинчи ўрин, Бухоро туманидаги Работикалмоқ кишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси (раиси Нургул Рўзиева), Суҳондарё вилояти Сароисиё туманидаги Дўстлик маҳалласи

## КЎРИК-ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси (раиси Д.Шарафуддинова) ҳамда Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Х.Олимжон номи маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси (раиси Мунаввар Турсунова)лари учинчи ўринга муносиб деб топилдилар.

Шунингдек, Жиззах туманидаги Олмазор маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Махмурат Бердиева, Навоий шаҳридаги Муштақиллик маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Зебо Бутаева, Наманган шаҳридаги Заркент маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Умидаҳон Мухиддинова, Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги Мингчинор маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Малика Бозорбоева, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Хўжамуродбаши маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Сабоҳат Тўраева, Қўқон шаҳридаги Ёғборзор маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Дилбархон Ерматова, Урганч туманидаги Юкори-Дўрмон маҳалласи хотин-қизлар бўлими раиси Комиссия раиси Нургул Олимова ҳамда Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги Тинчлик маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Фаридида Жалиловалар Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг Фахрий Ёриқлари билан тақдирландилар.

**Фаррух БЎТАЕВ,**  
«Mahalla» мухбири.

## Mahalla



— Яна нима дейди? — Рустам ва Артур яна голиб бўлди, — дейди.

## МОТОР МОЙИ ЎРНИГА... АРОҚ

ТЕРМИЗ. /ЎЗА мухбири Чори ТЎХТАЕВ/. Мамлакатимиз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, ички истеъмол бозорини ва маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш борасида ишлар янада такомиллаштириляптир. Юртимизда спирт, алкоголь ва тамакки маҳсулотларининг ноқонуний қириб келиши ҳамда сотилишининг олдини олишда божхона органлари томонидан қатъий чора-тадбирлар кўрилямоқда.

Афсуски, божхоначиларнинг бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда кўраётган чора-тадбирларига қарамадан, чегараларимиз орқали бундай маҳсулотларни қонунга хилоф равишда олиб ўтиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Ўзбекистон ва Афғонистон чегарасида жойлашган «Айритом» назорат-ўтказиш маскани ходимлари Афғонистонга ўтаётган юк поездининг транзит контейнерини кўздан кечираётиб, яна бир қоидабузарликка дуч келди. Хужжатларда мотор мойи юкларини кўрсатилган ушбу контейнерда аслида Қозоғистонда ишлаб чиқарилган 7 минг 800 шиша ароқ олиб кетиляётган экан.

Мазкур иш юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошланди.

## "Mahalla" хабарлари

Фаргона вилояти

### МАСЛАҲАТЧИЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан вилоятдаги 972 та маҳалла фуқаролар йиғинларида 1 шолдан бошлаб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари билан шугулланувчи маслаҳатчилар тайинланган эди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурга асосан улар шу фаолият йўналиши бўйича ўқувда иштирок этдилар.

Ўқув машғулотида вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Хўжаева мазкур Фармон ва шу Фармонни бажариш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида, вилоят ҳокимлигининг қотибати мудири Х.Тожибоева «Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи тўғрисида»ги Низом асосида маслаҳатчи ишининг асосий йўналишлари, қонуний ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида ва шунингдек, шу мавзудаги кўпгина маърузалар тинланди.

Машғулотлар давомида мутахассислар томонидан маҳалла маслаҳатчиларининг берган саволларига жавоб қайтарилди ва ҳар хил услубий кўлланмалар тарқатилди.

### ЁШ ПОЛВОНЛАР КУЧ СИНАШДИ

Бағдод тумани азиздан полвонлар юрти. Ўтган асрда ҳудуддан Азам, Рустам, Ҳомид, Абдулазиз, Матёқуб, Акрам, Сотволди, Раҳим исмли кўлаб машҳур полвонлар етишиб чиққан бўлса, ҳозирги пайтда Ўзбекистон ва Урта Осиё чемпиони Бахтиёр Ҳайдаров, Аҳмаджон ва Фахриддин Болтаевлар фарғонача белбоғи кураш бўйича жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиб келтидилар.

Яқинда ана шу машҳур полвонларнинг шоғирдлари — маҳаллалардан келган 80 нафар ёшлар туман биринчилиги учун маданият ва истироҳат боғида ўтказилган белбоғи кураш мусобақасида куч синашдилар. Шуниси қувончлики, улар орасида 20 нафар қизлар ҳам бор эди.

Валижон Маматқуллов, Мухриддин Нейматов, Жаҳонгир Аҳмедов, Баҳром Холдоров, қизлар ўртасида Ойжамол Иброҳимова, Сайёра Алиева, Ҳаётхон Йигиталиева, Дилноза Эргашева сингари кўлаб ёшлар соҳирли ўринларини эгалладилар.

Умумҳисоб бўйича «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимига жамоаси биринчи, Бағдод шаҳарча фуқаролар йиғини жамоаси иккинчи ва Ултрама кишлоқ фуқаролар йиғини жамоаси учинчи ўринни кўлга киритдилар.

Қодир ШОДМОНОВ,  
«Mahalla» мухбири.



Вилоят маркази ҳисобланмиш — Фарғона шаҳри кун сайин чирой очиб бормоқда. Айниқса, шаҳардаги маҳаллалар аҳли, кўлаб мутасадди ташкилотлар савий-ҳаракати билан Муштақиллигимизнинг 13 йиллик санасига бағишлаб бунёд этилган бир нечта мухташам иншоотлар шаҳар ҳуснига янада хуш қўшди.

СУРАТДА: Шаҳардаги «Ёшлар маданият ва спорт маркази»нинг мухташам биноси.

Қашқадарё вилояти

### «МАҲАЛЛА» МУЧАЛ ЁШИДА

Мамлакатимиз Президентининг «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганга 12 йил тўлди. Қашқадарё вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу санага бағишланди.

Унда «Маҳалла» жамғармаси вилоят, шаҳар, туман бўлими ва бўлинмалари раислари, маҳалла ҳамда кишлоқ оқсоқоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашдилар. «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси А.Сафаров ўз маърузасида ўтган давр ичида ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилган тадбирлар ва уларнинг натижалари, маҳаллалар, кишлоқ фуқаролар йиғинлари олдида турган долзарб вазифалар устида тўхтади.

Вилоят ҳокими Н.Зайниев муштақил мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тараққий эттириш, уларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш ҳамда ваколатларини кенгайтириш борасида амалга ошириляётган тадбирлар ҳақида муфассал тўхталиб, бу соҳада вилоятда яқин орада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, муаммолар ечими ҳақида атрофлича тўхтади.

Ўзларининг самарали меҳнатлари билан эл назарига тушган маҳалла оқсоқоллари, кишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари муносиб тақдирландилар.

**К.ЭГАМБЕРДИЕВ**

## Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи: 148

Тажрибали манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93  
Тел/Факс: — 133-44-25

Ҳомий: «Матбуот тарқатуви» хиссасдорлик жамияти  
Масъул котиб: 136-53-75  
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Я» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилди.

Муассаслар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.



ДАРФУР МОЖАРОСИ МУҲОКАМАДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) маълумотларига кўра, Судандаги бекарорлик туйғайи кунига минглаб одам ҳаётдан қўз юммоқда.

Ташкилотнинг Женевадаги қароргоҳидан тарқатилган хабарга қараганда, қочқинлар истиқомат қилаётган лагерларнинг тез тез кўчирилиши ва санитария қоидаларига риоя этилмаётгани боис ахвол оғирлашмоқда.

Ердани етказиб бериш масаласи эса мурракаблигича қолаётир. Мутахассисларнинг тахминига кўра, қочқинга айланган кўпга одамнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун 350 миллион АҚШ доллари миқorida маблағ зарур.

Куни кеча БМТ Хавфсизлик кенгашида АҚШ тақлифи билан Суданга нисбатан жазо қўллаш тўғрисидаги резолюция лойиҳасининг муҳокамаси бошланди.

Аслида АҚШ, Буюк Британия ва Европа Иттифоқи аввалбошданок жазо қўллашни талаб қилганди.

АҚШ тақлифи эътиборини резолюция лойиҳасида Африка Иттифоқи мамлакатларидан Дарфурга юборилаётган кузатувчилар сонини кўпайтириш масаласи ҳам кўзда тутилган.

Жазо чоралари нефт соҳасини ҳам қамраб олиши мумкин. Ҳозир Суданда кунига 320 миң баррел нефт қазиб чиқарилапти.

Хабарларга қараганда, Судандаги нотинчлик юзасидан БМТ Хавфсизлик кенгашида давом этаётган музокара жума кунини якунланади.

Фазлидин АРЗИЕВ, УзА шарҳловчиси

Юртимизга ярашган байрамлар

Истиқлол шарафати билан шўролар тузуми даврида таъқиқланган бир нечта миллий байрамларимиз қайта тикланди. Мана бир неча йилдирки, ҳар баҳорда юртимизни Наврўз байрами тантаналари ўз оғушига олади.

Мана, дийримизга яна куз келди, бу оловли фасл юртимиз бўйлаб тўқин дастурхонини ёзмоқда. Ушбу йилнинг мамлакатимизда «Меҳр ва муруват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган дастурда Меҳржон байрамининг ўтказиши алоҳида қайд этилган.

МОЗИЙ ҚАЪРИДАН ТАРАЛГАН НУР — МЕХРЖОН

— Аввало, бошқа байрамларимиз қатори Меҳржонга ҳам давлат миқёсида эътибор қаратилгани жуда хайрли иш бўлди. Меҳржон том маънода халқ байрамидир.

Юртимизга хуш келдинг!

«Меҳр ва муруват йили» дастурдаги алоҳида бағда асосан бу йилги байрам тадбирлари албатта кенг миқёсда, ҳар домғидан мазмунлироқ ўтиши табиий.

нонланган ва нишонланган. Кўёшпарастлик даврларидея байрамлар ўзига хос номлар билан аталган. Зардуштийлар йилномасида Наврўз ва Меҳржон асосий байрамлар сифатида келтирилади.

шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда бир ой давомида нишонланган. Меҳржон кунларидея аразлашганлар ярашиб, қавм-қариндошлар бир-бирларини йўқлаганлар, йўқсилларга эҳсонлар тарқатилган.



— Бу байрамни аждодларини қандай нишонлаганлар, унинг келиб чикиши тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Тарихий манбааларга асосланиб айтиш мумкинки, бу байрамнинг тарихи милотдан аввалги даврларга бориб тақалади.

«Кўёш ва ой фалақининг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир.»

Бу икки байрам баҳорги ва кузги туну кун тенглашган фурсатга тўғри келган. Демак, ерга уруғ қадаш мавсуми баҳорги туну кун тенглиги — 21 мартдан 22 мартга ўтар кечадан Эронда «Меҳржон» ёки «Меҳргон», Сугда «Нимсарда», кўҳна Хоразмда эса «Чири-руж» деб

— Бу йилги Меҳржон байрами қандай тадбирлардан иборат бўлади?

— Бугун ташкил қилинаётган Меҳржон байрами тадбирлари ҳам неча асрлар илгари ўтказилган байрамларнинг моҳиятини ўзида мумассас этган.

Иш билганга минг офарин


ХОТИРЖАМАЛИК ТАЯНЧИ

Урғут туманидаги Гулистон маҳалласида олти юзга яқин оила истиқомат қилди. Ҳозирда бу оилаларда жамланган икки миң уч юзга яқин аҳоли яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари билан банд.

Албатта, ҳар қандай маҳалланинг обод ва фаровонлиги, унда ҳамжихатлик ва хотиржамликнинг барқарор бўлиши кўп жиҳатдан маҳалла оқсоқолининг ташаббускорлиги, тадбиркорлиги, режали иш юритишига боғлиқ.



Мана шу ишонч унга куч-қувват, илҳом бағишлади, десак янглишмаймиз. Раис ўз фаолиятини маҳаллани иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга, бу борада тадбиркор, ишбилармон кишиларнинг бошини қовуштиришга, азалий удумларимизни тиклашга, хусусан, хашарлар уюштириш орқали бунёдкорлик ва обдонлаштириш ишларини амалга оширишга қаратади.



ҳалланнинг саранжом-саришта кўчаларидан ўтганда дилингиз яйрайди. Гулистон маҳалласида галаштирилмаган, сув қувури олиб қирилмаган бирорта хонадонни кўрмайсиз. Бундай қулайлик маҳалла ахлининг турмуш тарзини энгиллаштираётир.

Қувкаллада ҳаёт қайноқ

Қувкалла... Айни кунда 2 миң 642 нафар аҳолининг «ўз уйи — ўлан тўшағи» бўлган бу қишлоқ тоғлар орасида жойлашган. Қишлоқ ўртасидан катта сой оқиб ўтади.

Бугунги кунда қишлоқда савдо дўконлари, қишлоқ врачлик пункти, кутубхона ва мактаб фаолият кўрсатмоқда. Урта мактабда 615 нафар ўқувчи таҳсил олади.

Қўшработ туманидаги энг боҳово ҳудудда жойлашган бу қишлоққа келган кишининг мафтункор манзараларни кўриб баҳри-дили очилади.

Ва албатта қишлоқ номини эшитган ҳар бир кишини «Бу ажабтовур номлининг тарихи қандай экан?» деган савол қизқитиб қолади.

Қўшработ туманидаги энг боҳово ҳудудда жойлашган бу қишлоққа келган кишининг мафтункор манзараларни кўриб баҳри-дили очилади.

Қадим замонларда бир авлиғе яраган, унинг қаромати билан ёғи оёғи бу ерларга етмас, душман ҳарчанд уринса-да, гўзал масканини босиб олишга ожиз экан.

Қишлоғимизда барча бунёдкорлик ишлари хашар йўли билан барпо қилиниши одатий тусга кирган.

Бу хайрли ишларга маҳалла фаолларидан Келдибой Қўшмуродов, Бердиқул Эшқулов, Қарши Кенжаев, Мансур Ҳайдаров, Қўқор Ҳайдаров, Ашир Тиллаев, Авалбой Болиқуловлар бош бўлдилар.

Утган йилнинг май ойларида қишлоқдан кучли сел оқиб ўтди. Натижада кўплаб подалар, минглаб дархтарлар ва 49 оиланинг томорқаси бутунлай йўқ бўлди.

Айни пайтда асосий йўлдан 2 та катта кўприк мутасадди ташкилотлар ҳисобидан қуриб битказилди.

Менглибой МУРОДОВ, «Mahalla» муҳбири. СУРАТДА: ширкат хўжалиги раиси М.Эгамқулов.

Ширкат хўжалиғи маҳалла-кўя учун

Буюк қозоқ шоири Абай номи билан юритиладиган наслчилик ширкат хўжалиғи Навоий вилоятининг Қонимех туманидаги илғор хўжалиқларидан бири ҳисобланади.

Хўжалик раиси элим деб, юртим деб яшаб, меҳнат қилаётганларидан бири Мустафо Эгамқулов. Хўжалик Қизилқум чўлининг қоқ ўртасида жойлашган бўлиб, унинг маркази Боймурод овулидир.

Хўжаликда ҳозирги кунда 765 та оила бўлиб, унда 3820 нафар аҳоли яшайди. Хўжалик ҳудудида 7 та чорвачилик фермаси мавжуд. 152 та отарда 500 га яқин киши чорвачилик билан шуғулланишди.

Шунингдек, бу ерда 21 та чорвачилик билан шуғулланадиган фермер хўжалиқлари ҳамда 25 та мулкдор-тадбиркорлар иш олиб боришади.

Бугунги кунда хўжалик яйловларида боқилаётган қўйларнинг тўқсон саккиз фоизи «Ўзбекистон кумуш сури» деб аталувчи Бўхоро типидagi суруларнинг янги турларидир.

Шу йилнинг июн ойида Республика давлат стандартлаш комиссияси томонидан ижодкор чорвадорларнинг ижодий ишлари тўлиқ экспертизадан ўтказилди, улар яратган «Ўзбекистон» номли янги суру тери нави тасдиқланди.

Хўжаликда 2002 йилдан буён «Боймурод» кичик қорхонаси ишламоқда. Қорхонада 2 цех ташкил этилган. Кийим тикиш цехида чўпонлар учун киши кийимлар, катталар ва болалар учун ички кийимлар тайёрланади.

мирлаш ишлари амалга оширилди. Меҳр ва муруват йили муносабати билан хўжаликдаги 150 та кам таъминланган оилаларга 3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шартнома асосида тахсил олаётган 24 нафар талабанинг ҳар бирига ҳар йили ўрта ҳисобда 350 миң сўмдан 650 миң сўмгача миқдорда хомийлик ёрдамлари кўрсатилмоқда.

Йил бошидан буён хўжаликда ободчилик ишлари учун 1 миллион сўм маблағ сарфланди. Жумладан, 300 метр йўлак ва 500 метрлик овул йўлига асфальт ётқизилди.

Хўжаликда ҳар бир бош чўпоннинг ойлик маоши ўртача 30 миң сўмдан 220 миң сўмгача эканлигини айтсак ишонасизми? — Бош чўпонлар билан пайчи-



га харидор йўқ. Шунда айрим ташкилотлар гўшти четдан келтиришганидан кўра, биздан олишса бўлмасмикан деб ўйлаб қолам.

иш ҳақини ҳисоблаб кўраверинг... Бу унинг фақат қўзилтишдан олган даромади. Ҳолос. Бундан ташқари, у ортиқча ишлаб чиқарган жундан, қоракўл терисидан ҳам даромад олади.

Ширкат хўжалиғимизда 1 сўм пайнинг фойдаси 2 сўм 30 тийинга тўғри келмоқда. Ана шу пайнинг дивиденди сифатида чўпонларга йилнинг бошидан ҳозиргача 42 миллион сўм маблағ тарқатилди.

Навбатдаги режаларимиздан бири — хўжалиғимиздаги мавжуд 46 миң бош қўйнинг камида 25-30 фоизини сориб, улардан олинган сутни қайта ишловчи кичик цехлар ташкил этмоқчимиз.

Яйловларимиз серуёт, чорамизини ем билан таъминлашга етди. Мўҳим режаларимиздан яна бири, Боймурод овулида барча шароитларга эга бўлган спорт мажмуи қурилишини амалга

Навоий вилояти

Дарвоқе, муаммолар ҳақида сўраган эдингиз-а, — деди раис Айдарқўл томонга ўғрилиб, — ҳар йили баҳорда бизни анча чўчқитиб қўяпти ана шу Айдарқўлдаги асов сувлар.

Агар ана шу хавфдан бизни тегишли мутасадди ташкилотлар қутқаришса эди, биз бундан-да кўпроқ бунёдкорлик ишларини амалга оширар эдик.

Яна бир муаммо етиштираётган гўшт маҳсулотларимизнинг сотиш борасида. Гап шундаки, ҳар йили ўрта ҳисобда, 15-20 миң бош қўзилар, етилиб гўштага тайёр бўлади.

Хўжалик раиси билан бўлган сўхбатдан шу нарсага ишонч ҳосил қилдикми, қаерда ва қайсидаки раҳбар чинакам ишбилармон ва ташкилотчи бўлса, ҳар бир ишда, ҳар бир янгиликда аввало ўзи ибрат бўла оلسа, одамларнинг дардини, меҳрини ола билса шу ерда ютқ ҳам, юксалиш ҳам, барака ҳам мўл бўлар экан...

Менглибой МУРОДОВ, «Mahalla» муҳбири. СУРАТДА: ширкат хўжалиги раиси М.Эгамқулов.

сайланди сўнг «Меҳржон» юртимиз вилоятлари бўйлаб бирин-кетин нишонланади. Байрам катта сайл кўринишида ташкил этилиб, мева-сабзавотлар, дон маҳсулотлари, умуман, олтин куз неъматлари кўргазма-савдоси уюштирилади.

Байрам тадбирларини вилоятлар шаҳар ва туманлари, маҳалла ва қишлоқларида ўтказиш масаласига келсак, айни кунда юртимизда пишиқчилик мавсуми, йигим-терим ишлари авжида. Ҳар бир ҳудуд ўз шароитидан келиб чиқиб Меҳржонни бир ой давомида байрам қилвериши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, биз Меҳржонни фақат қадимий тарихий байрам бўлгани учун эмас, унинг мазмун-моҳияти бугунги давр талабига ҳамохан бўлгани, инсонпарварлик, меҳр-муруват ва саховат каби фазилатлар қадрланаётган айни кунларда Меҳржоннинг айнан ана шундай фазилатларнинг кишиларимиз қалбига янада чуқурроқ илдиз отишига омил бўлгани учун ҳам кенг нишонлашимиз даркор.

Меҳржон байрами — биз учун бамисолиқ моҳияти қадридан таралган нурафшон нурдир. Аждодларимиз Меҳржон байрами воситасида оламга нур, ҳарорат ва ҳаёт бахш этган нури жаҳонга, яъни қўёшга эътиқодларини ифодалаганлар. У коинотни, табиати чуқурроқ англашга, у билан ҳамнафас бўлишга ундайди кишини.

Мавлуда ҚОСИМОВА сўхбатлашди.



## "МАСЪУЛИЯТ" ХИССИ МУВАФФАҚИЯТГА ЕТАКАЙДИ

### дейди сурхондарёлик матбуот тарқатувчи

Юртимиз бекиёс ўзгаришлар, янгиланиш ва яшарли огушида. Деярли ҳар куни оламшумул воқеалар, қўлама кенг ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар соҳада муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Уларни ва жаҳонда юз бераётган янгиланган, воқеа ва ҳодисаларни элга етказишда "Матбуот тарқатувчи" шўба корхонаси жамоасининг хизмати катта. Корхонанинг почта алоқасига муқобил корхона сифатида ташкил этилганидан буён ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, вилоят аҳолисини матбуот нашрларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш борасида муайян ютуқларга эришилди.

Аҳил жамоамиз вақтли матбуот нашрларига обуна қабул қилиш, уларни эгаларига ўз муддатида етказиб бериш, газета ва журналлар баробарида, ноозиқ-овқат халқ истеъмоли моллари чакана савдосини ташкил этиш йўлида астойдил иш олиб бордилар. Бу борада жамоатчилик кучига ҳам таяндик. Натижалар эса ёмон эмас. Қўлга киритган ютуқларимиздан ҳақли равишда қувонсак бўлади. Мухими, обуначи ташкилот, корхона, муассасаларнинг ишончини қозондик. Миқозларимиз сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Сўзларимизни аниқ рақамлар билан далилласак: 2004 йил вақтли матбуот нашрларига 148 миллион сўмлик обуна қабул қилдик. Бундан олган соф фойдамиз 6 миллион 666 минг сўмни ташкил этди. Келгуси йил учун газета журналларга обуна тўлашга ҳозирдан киришганмиз. Тайёргарлик ишлари намунага амалга оширилмоқда. Ташкилотлар билан шартномалар тўзганмиз. Ўтган йили газета ва журналлар ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси 119,1 фоиздан, яъни 280 миллион 439 минг сўмдан ошган эди. Бу йил янги марраларни қўлаганмиз.

Ҳисобимизда маблаг етарли. Унинг ҳар бир сўми аниқ мақсадларга сарф қилинади. Маҳаллаларда оммавий тадбирларни ўтказишга, ободончилик ишларини амалга оширишга ҳомийлик қилиш, нафақаданги собиқ ишчиларимизни, боқувчисидан жудо бўлган, ҳам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга саховат кўрсатишдек савоб ва хайрли ишлар ҳаминча диққат марказимизда туради.

Биз корхонамиз фаолиятини такомиллаштириб бораётимиз. Халққа намунали хизмат кўрсатишдан янги янги тармоқлар фаолиятини йўлга қўяёмиз. Шу йилнинг марта ойидан бошлаб Шеробод, Жарқўрган, Қумқўрган, Денов туманларидagi филиалларимиз компьютер ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Уларда компьютерни ўрганиш курслари иш бошланди. Боқувчисини йўқотган, ногирон болалар курсда текин таълим олмақда.

Туманларда фаолият кўрсатаётган "Матбуот тарқатувчи" филиаллари ишнинг жонланганлиги, миқозларга хизмат кўрсатишнинг янада яхшилаш мақсадида уларни замонавий техника воситалар билан таъминлаётимиз. Ҳозир Денов, Сариев, Олтинсой, Қумқўрган, Қизилқиз, Шеробод, Ангор туманларида газета ва журналларни эгаларига етказиб беришда ҳамда бюртмаларга асосан уларни қанцелярия моллари билан таъминлашда бўлим иштирокидаги "Тик" ва "Дамас" енгил автомашиналаридан фойдаланилмоқда. 25 нафар хабарчиларимизнинг ҳам мушкулли осон, узоғи яқин кечмоқда. Улар ўз уловлари — велосипедларига эга.

"Матбуот тарқатувчи" шўба корхонасига қарашли дўконлар ҳам ҳаминча миқозлар билан гавжум. Дўконларнинг сони юздан ортик. Йигирма иккита дўкон ижара асосида иш олиб боради. Х.Жалилова, Ф.Ақбарова, С.Ҳамдамова, С.Турсунова, К.Ғиёзова, А.Ниёзова, М.Муродова сингари дўкон мудирлари муштарийлар хурматини қозонган. Улар миқозлар истақларини инобатга олади, бюртмаларини ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қилади.

Республикамиз марказида чоп этиладиган нашрлар вилотиимиз маркази Теримизга ҳаво йўллари орқали етказиб берилади. Бу яхши. Самарқанд ва бошқа марказий шаҳарларда босиладиган газета-журналларни эса корхонамизга тегишли автоловларда ташиб олишга тўғри келади. Бу масъулиятли иш. Хали буюк хиди кетмаган нашрларни тўрт юз километр масофадан етказиб келиш, газетхонлар қўлига тўхташи осон гап эмас. Мехнатсевар ходимларимиз бу ишнинг уйдасидан чиқиб, обуначилар миннатдорчилигига сазовор бўлаётганликларидан биз ҳам ҳурсандим.

Тоҳир ЖўРАЕВ, "Матбуот тарқатувчи" Сурхондарё вилоти шўба корхонаси директори.

## ШҲҮРЧИДА ОБУНАЧИ КҲҮП

Бугунги кунда аҳолининг почта алоқа хизматига бўлган эҳтиёжи сезиларли даражада ошиди. Бу эса ушбу хизмат фаолиятини яхшилаш, хизмат кўрсатиш маънавиятини ошириш талабини келтириб чиқаради. Туман ҳокимлиги иқтисодий мажмуасида ишлаб юрган кезларимиздаёқ почта алоқа филиали фаолиятини билан қизиққан, айрим муаммолари масалаларни биргаликда ҳал қилишга тўғри келганди.

Бугун эса ушбу филиалга раҳбар сифатида аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этишга ҳаракат қилаётган. Белгилаб қўйилганидек, хизматимизнинг ўз мазмун-моҳияти бор. Пенсия, нафақалар тарқатиш шартномавий хизмат доирамизга кирди. Асосий ишимиз эса хат-хабар, газета-журналлар, бюртмалли оқлар ва пул жўнатмаларини белгиланган вақтда ўз манзилларига жўнатиш ва эгаларига тарқатишдан иборат. Айни пайтда 18 та алоқа бўлимида 88 нафар ходимларимиз иш билан машғул. Компьютер, факс каби замонавий техника қурилмалар фаолиятимизни оsonлаштирди.

Холоки ҳисоб-китобларга кўра, бир кунлик ҳаракат масофамиз 158 километрини ташкил қилади экан. Қаришлар ва ногиронларга бир ойда тарқатилмаётган 225 миллион сўмлик пенсия ва нафақа пуллари ўз вақтида етказиб бериляпти, 17 миллион сўмлик коммунал тўловлар давлат газасига топшириляпти. Бу ишда Ҳушчака, Озодлик, Тўла, Ижтимоёт, 8-Март маҳаллаларига ҳайланган алоқа бўлимлари масъуллари Шоймардон Абдуллоев, Рустам Қораев, Саломат Мирзаева, Эргаш ва Холмат Очидиевларнинг хизмати катта.

Туманимиз бўйича ўтган йилнинг ўзида 27 миллион сўмлик матбуот нашрларига обуна уюштирилди. Бу йилги кўрсаткич 37 миллион сўмдан ошиб кетди. Албатта, ҳар бир обуначи кунлик газета-журналларнинг сабрсизлик билан кутади. Почта ходимларимизнинг чаққонлиги ва ўз касбига масъулият билан ёндашишига обуначи ишончини оқлайди. Мурод Абдушукуров, Чори Алманов, Жума Меңдабобов, Анвар Хўжиёев каби хабарчиларимиз меҳнати ана шундай эътирофга сазовор.

Комил ЧОРШАНБИЕВ, Шўрчи тумани почта алоқаси филиали директори.

## ФИЛИАЛ ФИДОЙЛАРИ

"Матбуот тарқатувчи" Жарқўрган тумани филиали 2001 йилда ташкил топган. Филиал ходимларининг асосий вазифаси туман аҳолиси ҳамда корхона ва ташкилотларига вақтли матбуот нашрларини етказиб беришдан иборат. Бу иш 5 нафар ишчи-хизматчининг зиммасига юклатилган. Бундан ташқари, 6 нафар газета ва журнал дўконлари ҳам шартнома асосида аҳолига сифатли хизмат кўрсатади.



"Матбуот тарқатувчи" Жарқўрган тумани филиалига қарашли 2-сонли газета ва журналлар дўкони мудираси Гулнора Давлатова.

Ўтган йили филиал ходимлари туман аҳолининг 71 номдаги 4176 та газета ва 54 номдаги 2010 нусхадаги журналларга обуна бўлишларини таъминлашти. Бундан ташқари, дўконларимизда ҳар ойда ўртача 650-700 минг сўмлик газета ва журналлар сотуви йўлга қўйилаяпти.

Биз нашрларни туман марказидан анча узоқда жойлашган аҳоли гавжум жойларга сон-мас-он етказиб беришга ҳаракат қилаёмиз. Сурхон ва Қақайди қўргони марказларида вақтли матбуот нашрлари билан савдо қиладиган иккита дўкон очини режалаштирганмиз.

Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш миқозлар сонининг кўпайишга олиб келади. Шу боис узоқ мақсадда қанайдиган хабарчиларга хизмат вилосипеди олиб берилди.

Филиални иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида қўшимча имкониятлардан фойдаланяёмиз. Пуллик компьютер ўкувини ташкил этдик, интернет тармоғини ишга туширдик. Келгуси йилдан бошлаб туманининг барча аҳоли пунктларида, маҳаллаларда янги нўкталар очамиз. Бу ишларни амалга оширишда хабарчиларимиздан Хурсан Фаизиддинова, Дўстмуҳаммад Исмоилов, дўкон мудирларидан Гулнора Давлатова, Ўғилло Холиқова сингари ишчиларимиз намунали хизмат қилиб келмоқдалар. "Матбуот тарқатувчи" — маърифат тарғиботчиси. Биз ана шу иборадан келиб чиқиб хонадонларга зиё олиб кириш йўлида бор куч ва имкониятларимизни ишга солаемиз.

Ҳамроқул ҲАСАНОВ, "Матбуот тарқатувчи" Жарқўрган тумани филиали директори.

## АНГОРЛИК АЛОҚАЧИ



Ангор тумани почта алоқа филиали директори Э.Бердиқулов ва филиал ходимлари ҳафталик иш режасини муҳокама этишмоқда.

Сурхондарё почта алоқа филиали тизими раҳбарлари орасида Эшпўлат Бердиқуловнинг алоҳида ўрни бор. Ун икки йил бир даргоҳда сардор бўлиб ишлаш осон эмас.

Ангор туманидаги 36 нафар маҳаллада 100 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Деярли ҳар икки маҳалладан биттасида алоқа шахобчаси мавжуд. 9350 нафар нафақачўр, ўн минглаб обуначиларга хизмат кўришчи 45 кишилик аҳил жамоани бир мақсад сари йўналтиришнинг ўзи бўлмайди.

Ангор тумани вилот марказига яқинлиги учунми, ҳар куни бир ерга газета ва журналларнинг янги сонлари етиб келади. Уларни эса кўпи билан икки кунда ўз эгаларига етказиб бериш керак. Пенсия ва нафақа пуллари тарқатиш қатъий назоратга олинган. Уруш ва меҳнат фахрийлари, кўзи охишлар, ногиронларга нафақа пуллари биринчи навбатда етказиб берилади. Қисқаси, 161 миллион сўмлик нафақа пуллари куннинг қайси бир қисми бўлишидан қатъий назар теъдда тарқатиш чоралари кўрилади. Туман аҳолиси жуда газетхон. Шунинг учунми, жорий йилда 42 миллион сўмлик матбуот нашрларига обуна бўлдилар. Асомиддин Махмудов, Абдулла Яхшибоев, Одил Эргашев, Бибиҳол Гафуров, Тўра Норматов, Зафар Норматов, Нормат Алламурад, Майрам Қурбонова, Марзия Эшқобилова, Нарғиза Эшонниёзова сингари алоқа бўлими бошлиқлари ва хабарчиларнинг хизматларидан Гулистон, Хўжакия, Талашқон, Хўжанко, Улуғбек, Янгиобод, Қорасув, Гулзор сингари маҳаллалар аҳолиси жуда мамнун. Албатта уларга матбуот йўриқчиси — Эргаш Одинаев яқин маслаҳатгўй.

Лекин шунга қарамай, жорий йилда хабарчиларнинг иши нечоғлик яхши ташкил этилганини билиш мақсадида аҳоли, корхона, ташкилот, ҳўжалик ишчи-хизматчилари ўртасида сўровномалар ўтказилди. Қувончи томони шундаки, 70-80 фоиз фуқаролар уларнинг меҳнатига ижобий баҳо беришди. Бунда эса ишчи бир меъёрга ва қатъий интизом асосида ташкил қилаётган почта алоқаси филиали раҳбари Эшпўлат Бердиқуловнинг хизмати каттадир.

Санжар БЕК

## ТИНИМ БИЛМАС ТАШАББУСКОРЛАР

Халқимизда аждодлардан ўтиб келатган кўҳна бобомерос тўйғулар бор. Улар инсонларга муруват кўрсатиш, хайрли ишларга ҳисса қўйишни асло ёддан чиқармайдилар. Ҳўн, нафақага чиққан кишига нима зарур, ўз нафақасини олиб, рўзгорининг кам-кўстига ишлашга юрса бўлади-ку! Ана шундай жойида Жарқўргондаги 6 та маҳалла фуқаролари бир бўлиб алоқа бўлимларини ҳашар йўли билан қайта таъмирлаш, қайта қўришга киришдилар. Уларнинг кўпчилиги нафақачўрлар...



Жарқўрган тумани почта алоқа филиали директори С.Егамуродов (чапдан) филиалнинг сифат йўриқчиси М.Султонов билан бўлимларда ўтказилган таъмирлаш яқунлари ҳақида сўхбатлашмоқда.

Ишнинг бошида Жарқўрган туман почта алоқа филиали директори Сафар Эгамуродов ва алоқа бўлими мутасадди ходимлари туришди. Маҳаллаларда алоқа хизмати ҳалқнинг кўнглига яқин экани, улар хайрли ишга киришганлар. Дарҳақиқат, 19 та алоқа бўлимлари орқали 12300 нафар нафақачўрларга хизмат кўрсатилади. Боз устига, минглаб миқозларга газета-журналлар, хат-хабарлар тарқатиш ҳам 58 нафар ходимнинг зиммасида. 85 турдаги 30 миллион сўмлик матбуот нашрларини ўз вақтида етказиб, миқозлар кўнглини топиш осон иш эмас. Бунинг устига, 20-21 миллион сўмдан газ, сув, электр-энергия тўловларини жағғариб беришда ҳам улар фидокор.

Аммо асосий иш жойлардаги алоқа бўлимида ишлаётган сергайрат қишлоқ зиммасига тушмоқда. Айниқса, тadbirkор бўлим бошлиқлари Вера Пескова, Галина Кувондиқова, Уткир Чориев, Эшамат Топшўлатов, хабарчилардан Дилбар Самадова, Хурсон Турсунмуродов эл хизматига ҳамиша ҳозир. Идорада компьютер маркази фаолият кўрсатаёпти. Аҳолига компьютер, факс ва интернет хизмати кўрсатиш эвазига ойига 50 минг сўмдан ортиқ даромад олиняпти.

Т.НОРБОВЕВ, Сурхон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

## ҲОРМАНГ, ХОЛДОРХОН!

Авак Отабек, кейин Нилуфар ва ниҳоят Нурбекжонлар туғилганида Қаюм ака ва Холдор опаларнинг сезинчи осмон баробар эди. Ширин орзулар кучоғида қўна қариб, фарзандлари камалини кўришни ният қилгандилар.

... Хувиллаган ховлида Холдор опа уч но-расида гўдаги билан ёлғиз қолди. Катталари дадаси тақдирини тушуна-тушуниди, би-роқ тили эндигина бйронлашган Нурбек ҳар дамда "дадам қачон келади", деб сўрагандай аёлнинг бутун вужуди бардошга айланди. Вақт — қалб малҳами. Айни гуллаб-яшнаш, ширин ҳаёт кечериш пайтида — 26 ёшли Холдор опанинг мотам либосига ўралишини ким ўйлабди дейсиз?! Эридан ёдгор бўлиб қолган уч гўдакни улай-тириш-ўстириш Холдор опанинг ҳаёт мазмунига айланди. Дунёда яхши одамлар кўп. Биринчи навбатда Холдор опага ота-онаси, яқинлари, қолаверса қайнота-қайнонаси суянч бўлдилар.

Қаюм ака ўшанда тумандаги электр қурилиш корхонасини бошқарар, узоқ қишлоқларни электрлаштиришга, одамларга қувонч ҳадея этишга хизмат қиларди. Кейинги пайтда уни буйрак хасталиги тез-тез безовта қилар, ниҳоят операциядан кейин хасталикбироз кечикди. Жароҳларнинг муваффақиятли ишидан ҳамма қувонган. Қаюм ака йилга бир-икки марта узоқ даволанишга боришни қанда қилмасди. Бироқ қайта хасталаниш Қаюм аканинг умр шаъминини сўндирди...

Холдор опа кўп ўйлади. Фарзандлари камалини кўриш, уларнинг келажағига замин ҳозирлаш учун алоқа бўлимига ишга

Почта алоқа филиалига ишга келган кезларимда, бунгача содир бўлган айрим ноқуш ҳолатларни бартараф этиш, ишни мувофиқлаштириш, яқна мақсади жамоа фаолиятини барқарорлаштириш лозим бўлди. Бунинг устига ойлик пенсия ва нафақалар таъминотида узлишлар юзасига келган эди. Ушанда билдим, инсон яхши гапнинг сазодоси экан. Ширин сўз билан уларнинг кўнглига йўл топдик, таскин бердик. Ва теъдда ишимиз ўнгиланиб, муаммоларни ҳал этиш йўллари топилди. Мана орадан 2 йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Оғир қунлар ҳам ортда қолди.

## МАЪРИФАТ УЛАШГАН МАТБУОТЧИЛАР



Бойсун тумани почта ва алоқа филиали директори Х.ШАРИПОВ (ўртада) ходимлари билан.

Шу икки ярим йил ичида жамоамизнинг ҳар бир ходими ишчи сифатида ҳам, шахс сифатида ҳам қайта шаклланди, десам м у б о л а г а бўлмас. 18 та алоқа бўлимида меҳнат қилаётган 57 нафар ишчи-хизматчиларнинг иши билан сўзи бир. Яъни, хат-хабар жўнатмалари, бюртма маҳсулотлар, газета-журналлар ва албатта пенсия ҳамда нафақаларни шаҳар марказидан 40-50 километр узоқда жойлашган қишлоқ фуқароларига етказишнинг ўзи бўлмайди. Деярли ҳар бир иш кунини режалаштирилган. Масалан, энг узоқ тоғ худудлари бўлимиш Мачай, Хомкон, Дуоба, Қўргонча, Яқатол, Қизилнавр, Деҳиболо, Чилонзор қишлоқларига ҳар кунини қатнашининг иложи йўқ. Шунинг учун бизда "Мачай кўни", "Дуоба кўни"... белгиланиб, ана шу узоқ қишлоқларнинг аҳолисига хизмат кўрсатилади. Мавжуд "УАЗ-469" ва "Матиз" автомашиналари узогимизни яқин қилади. Бундан ташқари, умумий ишимиз ҳам ўлчовли. Почта алоқа филиали бўйича 10480 нафар фуқарога 184 миллион сўм пенсия ва нафақалар тарқатишнинг зиммасига олган ҳолда ўтган олти ойда хат-хабарлар жўнатмалари, газета-журнал тарқатиш, товар бюртмаларини қабул қилиш ва жўнатишни режадан ошиғи билан баҳардик. Матбуот нашрлари билан савдо қилиш 135 фоизга эътиди. Шунингдек, ойига 12-14 миллион сўмлик коммунал тўловларини йиғишни ташкил этиш орқали моддий манфаатдорликка эришилди.

Албатта, ишни ташкил этишда Пулҳоким, Чилонзор, Дарбанд, Қўргонча, Газа, марказий алоқа бўлимлари бошлиқлари Бойсоат Раҳимов, Дониёр Хуррамов, Салим Муҳаммадиев, Исроил Муҳаммадинов, Нурилло Ҳамроев ҳамда Жамол Раҳмоновларнинг хизмати бекиёс. Бобохон Холиқов, Музаффар Шоимов, Чори Расулов, Холдор Самадова сингари хабарчиларимиз фаолияти таҳсинга лойиқ.

Айни кунда корхонамиздан одамлар оёғи узилмайди. Фарқи шундаки, улар пенсия, нафақа пуллари илинжида эмас, кундалик нашрларни олиш учун тўлариф бюрорадилар. Айни пайтда бизни одамлар билан боғлаб турган ришта маърифат ва маънавиятдир.

Хикмат ШАРИПОВ, Бойсун тумани почта ва алоқа филиали директори.

## БАХТИГУЛ - БУНЁДКОР

"Қамолот" уни тоблади. Ёш, олиий маълумотли иқтисодчи аёл билими, тadbirkорлиги, изланувчанлиги туфайли тез орада "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси, сўнг ҳаракатнинг вилот бўлими раиси ўринбосари вазифаларига сайланди. Қаерда бўлмасин у ишга масъулият билан ёндашди. Мана икки йилдири, Қумқўргонда "Матбуот тарқатувчи" туман бўлимининг бошлиғи.

Ишни бошлагани ёдида, асосан газета-журналлар билан савдо-сотик қилиш, обуначиларга хизмат кўрсатиш билан машғул эди. Ўйлаб қараса, имкониятлар етарли. Шунинг учун 5 нафар матбуот жонқуярини жамоатчилик асосида ишга жалб этди. Ноозиқ-овқат ва канцелярия маҳсулотлари савдосини йўлга қўйди. Тез орада 650 минг сўмлик бир ойлик айланма ҳаракат 1 миллион сўмдан ошиб кетди. Бунинг устига обуначиларнинг ишончи ортиб, 20 миллион сўмлик турли рўзнома ва ойномаларга обуна уюштирилди. Обуначилар ҳозир мамнун, матбуот нашрларини ўз вақтида олмақдалар.

Энг муҳими, Бахтигул Норматова бу ерда ҳам ёшлар билан ишлаш, ёшлар муаммосини ўрганиш институтини, агар бошқача таъриф берадиган бўлсак, қишлоқ ёшларини қўллаб-қувватлаш марказини ташкил этди. Бугун унинг 100 нафардан ортиқ тингловчиси бор. Ёшлар хунармандчиликнинг турли кўринишларидан сабоқ олади. Тикув-бичув, зардўзлик, қандоқчилик, компьютер сабоқлари, сартарошлик, этикдўзлик... Шунингдек, "Илҳом" клуби ҳам ёш ижодкорларнинг севишли масқани. Бахтигул Норматованинг ташаббуси билан ташкил бўлган "Нормухаммад" номли хусусий фирмаси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Шундай тadbirkор аёл оммавий тadbirkорнинг ҳам фаол иштирокчиси. 2002 йилда туманда ҳам, вилотда ҳам "Энг яхши тadbirkор аёл" номинацияси бўйича голиб бўлди. Бир йил ўтиб, "Энг яхши хунарманд" деган шарафли номга муносиб деб топилди.

Бахтигул Норматова доимо ҳаракатда. Дўстлик, Улуғбек, Оксой, Жалойир маҳаллаларида ўтказилган хайрия тadbirkорнинг ташкилотчиси ва ҳомийси. Бундан ташқари, 100 нафардан ортиқ эҳтиёжманд инсонлар мурувватли аёл оталиғида.

Иброҳим АҲМЕДОВ, Қумқўрган тумани Оксоқоллар кенгаши ҳамда "Маҳалла" жағмармаси туман бўлинимаси раиси.

## ҚҲҮРИҚЧИ ЭШАКЛАР

Техас штати (АҚШ) фермерлари яловларга кўч-эчкилар поғдасини айлтирилган қўриқлаш учун иш ўрнига эшаклардан фойдаланишмоқда. Эшакларнинг итдан фарқи шундаки, улар ит сингари алоҳида эътиборга муҳтож эмас, кўй-эчкилар билан бирга яшаб, бйрга ўтлаб юраверади. Бундан ташқари уларга ҳақиқий қоравуллик ҳам қилади. Бироқ ҳар қандай эшак ҳам қоравулликка кўнавермайди, фақат урғочилари бундай ишга тайёрланади. Айғир эшаклар ўзи қўриқлаб юрган поғдага ҳам ҳўжум қилиб қолишлари мумкин экан.

## БУҚАМИ Э?

Маълумки, ҳозирги замон табиъати ҳомилдор аёлнинг ўғил ёки қиз туғишини олдиндан айтиб бераолади. Хўгди шу сингари Веллернинг ҳам жонивдорларнинг нима туғишини олдиндан айтишларини

Мол дўхтирларининг айтишларича, сигирнинг нима туғишини унинг қўмига қараб билса бўларкан, яъни думининг уч қисми текис қирқилгандек бўлиб, таралганга ўхшаб қолса, билингики, буқа туғайди. Агар думининг учи гажакдор бўлса, урғочи туғилади.

Бундан ташқари сигирнинг қачон туғишини ҳам ўзиниғиз билишиниғиз мумкин. Бу охириги марта (соғиндан чиқадиган кун) сигириниғизни қачон соққанинғизга боғлик. Масалан, охириги марта кечқури соққан бўлсанғиз икки ё уч ойдан кейин кечқури ўша вақтнинг ўзида сигириниғиз туғиб беради. Эрталаб соққан бўлсанғиз — сизни эрталаб қувонтиради. Шунинг учун сизга масалаҳат, сигириниғизни яқшаб — дам олиш кўни кундузи охириги марта соққанинғиз маъкул, ҳар қалай уйда бўласиз.

ДАРАҲТА... СУТ, ДАРАҲТА... КОЛБАСА, ДАРАҲТА...

Ер юзига шундай дарахтлар борки, инсониятнинг ҳам ичкираги, ҳам кўнглираги. Гуржистондан ўсаядиган авокадон ерлик аҳоли "сигир" дарахт деб юритади. Негаки, унинг меvasи тўйимлилик жиҳатдан гўшта тенг бўлса, ҳазм бўлиш даражаси эса сарёбдек. Авокадо меvasининг оғирлиги 50 граммдан 400 граммгача бўлиб, унда жуда кўп витаминлар ва ёғ бор. М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

Мақолаларни О.ШУКУРОВ тайёрлади.

Таълим масканига

Маҳаллаларда кам таъминланган оқилларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилади...

ИНСТИТУТДА ЯНГИ МУТАХАССИСЛИК

Бундай сайёҳ-харакатларни рўйбга чиқаришда маҳалла фидойилари ҳам жонбозлик кўрсатиб...

Зеро, бундай ҳотамтой кишилар орасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида тажриба орттирган мутахассислар ҳам бор...

Бу эҳтиёжни инобатга олиб, ижтимоий соҳа мутахассисларини тайёрлаш тадбирлари кўрилди...

Ақбар АЛИЕВ

Суд ижрочиси ва коммунал тўловлар

МАНФААТДАН МАЖБУРИЯТ УСТУН

ёхуд бепарқлик ортидаги "бурч"

Хар қандай мамлакатда аҳолидан олинадиган солиқ ва тўловлар давлат иқтисодини мустаҳкамлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади...

— Суҳбатимиз аввалида суд ижрочилари фаолиятига тўхталиб ўтсангиз...

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳалар қатори суд тизимида ҳам кўпгина ислохотлар амалга оширилди...

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳалар қатори суд тизимида ҳам кўпгина ислохотлар амалга оширилди...

— Юригимизда иқтисодий барқарорлини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий турмушини фаровон этишда фука...

ролардан ундириладиган солиқ ва тўловларнинг аҳамияти катта. Бироқ, таассуфки, кейинги пайтларда ана шундай солиқ ва тўловлар, хусусан, коммунал хизматлар ҳақини йиғиш жараёнида айрим муаммоларга ҳам дуч келаямиз...

— Тўғри, аҳолининг коммунал хизматлар тўловларидан қарздорлиги ҳолатлари бугун олдимизда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, бу масала юзасидан бўлинмамизга жорий йил бошидан сентябрь ойига қадар 15630 та ижро иши келиб тушди ва улардан 13172 таси суд ижрочиларининг аралашуви билан ҳал этилди...

— Айтингчи, тўловлар қандай ҳолатларда суд ижрочилари орқали ундирилади?

— Маълумки, аҳоли жойларида уй-жой мулкдорлар ширкатлари (УЖМШ) фаолияти йўлга қўйилган. Улар билан фойдаланувчи ўртасида тузилган шартномада белгилаб қўйилган талаблар бузилган ҳолда, яъни фойдаланувчи 3 ой муддатга қадар коммунал хизматлар тўловларини тўламаган тақдирда ширкат маъмурияти судга муро...

жаат этиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу ҳолат юзасидан суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинган, қарор ижрога қаратилади. Суд ижрочиси эса ўз навбатида ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради ва уни томонларга топширади. Қарздорга эса қарорда қаратилган суммани 5 кун муддат ичида тўлаш мажбурияти юкланади. Агар қарздор ушбу суммани белгиланган муддат ичида тўлашни амалга ошира олмаса, юқоридagi Қонуннинг 82-моддасига асосан қарздор жаримага тортилиб, ижрочилар томонидан унинг мол-мулкни хатлаш ва қарз ҳисобига уни реализация қилиш йўли билан мажбурий ҳаракатлар амалга оширилади.

— Икром ака, ана шундай салбий ҳолатларнинг юзга келиши мажбуриятни қандай изоҳлайсиз?

— Аввало, ушбу ҳолатларга фуқароларнинг лоқайдлиги, бепарқлиги сабаб бўлапти, десам янглишмаган бўламан. Булинмамизга келиб тушадиган турли муаммоларни таҳлили шуни кўрсатадики, айрим кишиларимиз муҳим даромад манбаига, каттагина мол-мулкка эга бўла туриб тўловларни ўз вақтида тўлашни пайсалга соладилар. Минг афсуски, улар орасида турли соҳаларда хизмат қилаётган мансабдор шахслар ҳам мавжуд. Бироқ уларни кенчктириш, ўз вақтида тўламаслик фуқароларнинг ўзлари учун ҳам, қолаверса, давлатимиз учун ҳам катта зарар келтирмоқда. Айниқса, шу соҳа бўйича хизмат кўрсатишда турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ахир тўловларни тўлашга бепарқлик улардан бутунлай халос бўлиш имконини бермайди-ку! Бугун бу ишни орқага сурган киши эртага суд орқали қонуний мажбуриятларини бажаради (бу ўрнида уларга қўшимча чора сифатида қўлланиладиган жаримани ҳам таъкидлаб ўтиш даркор). Шундай экан, ушбу салбий ҳолатларни юзга келтирётган фуқароларга, умуман, кенг аҳоли қатламига қўнғунга нисбатан беписанд муносабатлар, хатти-ҳаракатлар улар учун ҳам маънавий, ҳам моддий зиён келтиришни тўшатириши...

миз зарур.

Шунингдек, баъзи фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмасликлари, конституцион бурчларини тўлиқ англаб етмасликлари оқибатида ҳам бу борада муаммолар юзга келмоқда. Очик айтиш керак, баъзи техник сабаблар тўғрисида аҳоли яшаш жойларида коммунал хизматлар — иссиқ сув, совуқ сув, электр энергияси ёхуд газ таъминотида узиллиш ҳолатлари учраб туради. Бундай вазиятларда айрим фуқароларимиз ушбу хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортдилар. Ваҳоланки, ушбу низоли ҳолатларни фойдаланувчи ва таъминотчи ўртасида тузилган шартномада белгиланган тартибда, ўша жойнинг ўзида ҳал этиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бундай ҳолатлар ўз навбатида ҳудудда амалга оширилиши лозим бўлган таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда бунёдкорлик ишларининг орқага сурилишига сабаб бўлади.

— Бундай ҳолатларнинг олдини олишда асосан нималарга эътибор бериш лозим?

— Биринчидан, аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларни жонлантириш зарур. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилиши, хизмат қорхоналарининг ҳуқуқшунослари ҳар бир хонадон билан шартнома тузишда иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчидан, кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд инсонларнинг қарздорлик ҳолатларини тугатиш учун маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари бу ишга мурувватли инсонларни кенг жалб қилишлари, оталиқ ташкилотлар кўмағига таянишлари лозим. Айни пайтда биз — туман суд ижрочилари бўлишимизни ҳодимлари ҳам бу борада чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққанми. Ана шу режа асосида туман ҳудудида жойлашган маҳаллалар билан ҳамкорликда иш олиб бораёмиз. Бироқ бундай сайёҳ-харакатларни етарли деб бўлмайди. Бунинг учун, аввало фуқаролар ўз бурч ва мажбуриятларини тўғри англаб етмоқлари даркор. Айниқса, киши мавсуми қўнлашадиган бир пайтда унга тайёрлик ишларини амалга оширишда фуқаролардан йиғиладиган тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида жамағирлиши қатор муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилган бўлар эди.

Фаррух БУТАЕВ суҳбатлашди.

Кашқадарё вилояти

СУРХОНЛИК ДАРВОЗ ИГИТИ балки у дунёдаги энг узун одамдир...

Сурхондарёнинг Қизирик туманида талабалик даврида дўстлашган дўстларимиздан бири Абдумурод Махмадиёров истиқомат қилади.

Яқинда бир неча дўстларимиз билан бирга учрашиб, футбол қўриб ўтирганимизда Чехия терма жамоаси ҳужумчиси Ян Коллер тўғрисида олинган мавзу алоҳида эътиборга молик бўлди.

Абдумуродга Коллернинг нима алоқаси бор деб ўйлаётгандирсиз. Ҳозир сўзлаб бераман.


Чех футболчисининг бўйи икки метрдан сал ошган. Шунинг учун ҳам майдонда бошқалардан анча ажралиб туради. Дарвоза яқинига юқоридан узатилган тўпларнинг деярли барчаси унинг «ўлжа-сига айланади. Футбол ишқибозлари новча футболчига тасанно айтганида, Абдумурод «Бизнинг жиянинг олдида бу Коллер деганлари лилигит бўлиб қолади» деганига аввалгига эътибор бермадик. Кейин қизиқиб, аниқлик киритишни сўрадик.

— Бир жияним бор, опам Норгулнинг ўғли, исми Исроил, — дея ҳикоя қилди Абдумурод. — Ана шунинг бўйи йилига шифокорларнинг айтишича, 12-15 сантиметрдан ўсиб келаяпти. Ҳозир бўйи 2 метр 44 сантиметр. Пойабзали 72-размер, устки кийим-бошининг 84-размерини кияди. У ҳали ўсишда давом этмоқда.

— Йўғе, лоф ҳам эви билан, оғирлиги 200 килограммдир?! — дедик бирдангиз.

— Лоф эмас, бор ҳақиқат, — жавоб берди қизириқлик оғайнимиз. — Оғирлиги 132 кило. Ишонмасангиз, суратларини кўрсатишим мумкин.

Орадан бир ойларча ўтиб, Сурхондарёдан навбатдаги келишида Абдумурод жиянининг суратларини кўрсатганида ҳазиллашмаганига ўзимиз ишонч ҳосил қилдик.



Исроил Хўшбоёв 1980 йилнинг 7 сентябрыда Қизирик туманидаги Янги ҳаёт кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Истара кишлоқининг Оқжар маҳалласида

туғилган ва шу ерда истиқомат қилар экан. Оддий меҳнатқаш деҳқон оиласида катта бўлаётти. Отаси Нурмон бобо ва онаси Норгул опа икки ўғил ва икки қизни катта қилишган. Исроил оилада кенжа фарзанд.

Ота томонидан бобоси ўтмишда ўта тез югурганлиги учун «чопқир ялангоёк» лақаби билан элга танилган экан. Она томонидан бобоси Рўзибобо 91 ёшида вафот этган эканлар. Уларнинг бўйи 2 метр уч сантиметр, оғирлиги 118-120 килограмм атрофида бўлган экан.



Исроил меҳнатқаш, ақли, фаросатли йигит, ўрта мактаби яхши баҳолар билан тамомлаган. Спортни севади. Отада яхши чапдаган чавадос. Ҳозирги оти бор. Унча-мунча оғир иш унинг учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Жисмоний жиҳатдан ўта кучли.

Аммо ана шу бўйининг ўта баландлиги ўзига яраша муаммоларни ҳам келтириб чиқариши табиий, албатта. Масалан, машинада юриш жуда қийин — ўриндик унинг учун кичкиналик қилади, туриб кетай деса, яна илож йўқ, икки букиса ҳам машинанинг шипига тегиб қолади. Қишлоқдошлари каби ашак минса, оёғи ерга тегиб, судралиб қолади, ашак оёқлари орасидан юриб кетиб қолади. Бундан ташқари кийим-кечак ва пойабзалнинг рост келадиганини топиш амри-маҳол. Унинг эғнига мос кийим ишлаб чиқарадиган қорхонанинг ўзи йўқ. Унинг имкониятларига мос равишда иш билан таъминлаш ҳам кун тартибда турибди.

Бугунги бозор иқтисоди шароитида олға босиш учун тарғибот-ташвиқотга алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда маҳаллий саноат ва озиқ-овқат қорхоналари учун Исроил тайёр реклама манбаи бўлиши мумкин.

Хуллас, дароз ҳамюртимизни томоша қилиш учун қизиқувчилар кўпу, унинг шу томошабоплиги оқибатидаги қийинчиликларини енгизишга қўл чўзгучилар ҳозирча йўқ.

Мирзаҳаким ТўХТАМРЗАЕВ



Хўш, дунёнинг ҳар қайси бурчида гоҳ кимнинг қулоғи узун, гоҳ кимнинг бурни узун каби масҳараҳомуз баҳслар давом этаётганда, биз миллатимизга хос одат — соч ўстириш бўйича танлов қилсак нима бўпти, дейишди бу тадбир ташкилотчилари.

Қарши туман хотин-қизлар бўмитаси ана шундай ташаббус билан қизиқиб, Бешкент шаҳри маҳаллалари аҳолиси ўртасида ўзига хос кўрик-танлов ўтказди. Унда голиблик шохсупасига Навбахор маҳалласи қизлари чиқдилар.

— Аллоҳга минг шукр, беш келим бор, — дейди Анзират момо. — Ҳаммаларнинг сочлари узун. Соч қизнинг, аёл кишининг хуснику, ахир. Кимларнингир урф-одатларига кўр-кўрона эргашиб, нега ундан воз кечаямиз?!

Ўзим билан суҳбат...

Кўнглим, қордай оқсан, оқлигингча қол

Кўнглим, ҳеч вақт соз-суҳбатдан кечмагил. Қадринг билган дўст-ушфатдан кечмагил. Қилган ишинг қўриб раҳмат десинлар, Сонни қувиб, лек сифатдан кечмагил.

Кўнглим, китобдан ҳеч кўнглингни узма, Китоб чин дўст деган аҳднингни бузма. Асл сирдош, асл ҳамдард китоб бор экан, Бефаҳм, бепаросатлардан давра тузма.

Кўнглим, қордай оқсан, оқлигингча қол, Ишқда танҳо, тоқлигингча қол. Яхшилар дийдорини соғиниб яша, Яхшиларга ошно, муштоқликда қол!

Кўнглим, камтарликни ўзингга зеб бил, Оз сўзла, кўп тингла, сукутни эп бил.

Кайси Маҳалла қизларининг сочига қайчи тешмаган?

Жуда қизиқ ва сизнинг эътиборингизни тортадиган ғайритабиий савол, шундай эмасми? Навбат келинлик либоси — пўпак тақшига келганда эса арзғулик кокил топши амри маҳол бўлган айни бир пайтда бу ҳақда бош қотарши кимнинг хаёлига келди экан?

линим бор, — дейди Анзират момо. — Ҳаммаларнинг сочлари узун. Соч қизнинг, аёл кишининг хуснику, ахир. Кимларнингир урф-одатларига кўр-кўрона эргашиб, нега ундан воз кечаямиз?!

Биргина бу эмас. Бу ерда ўн йўналиш бўйича ўтказилган кўриқнинг ҳар бири заминда хотин-қизларга хос ҳаё, ибод, яхши хулқ, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келадиган қадимий анъаналар мужассам эди. Мана улар — "Энг ибратли келин", "Энг одил қайнона", "Энг тарбияли

фарзанд", "Энг чевар тивувчи", "Энг ёш ва фаол спортчи"... ва ҳақозолар.

Иштирокчиларнинг чиқишлари ва маҳоратлари ҳайбат аъзоларини ўйлантириб, голибларни аниқлаш анчагина қийин кечди. Собир Раҳимов номли маҳалла аҳли ўзаро ҳамжиҳатликда турмуш кечираётганликларини намойиш этган бўлсалар, "Энг ибратли келин" Наврўз маҳалласида, "Энг одил қайнона" Бодомзор маҳалласида эканлиги аниқланди.

Қ.ЭҒАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" муҳбири.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ДСИ томонидан яққа тартибдаги тадбиркор Мухтаров Яшарбек Мардановичга берилган даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги "Минтақаларо "Давр" Аудиоторлик компанияси Тошкент вилоят филиали тугатилди. Давро ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Тел: 56-34-73

Тошкент Ахборотлаштириш Технолологиялари Университети томонидан Тажибаев Фаррух Сайфилович номли 1998 йилда берилган талабалик гувоҳномаси ва Рейтинг дафтарида йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Давлат мулки қўмитаси томонидан 2002 йил 4 июлда Тулаганова Н.Д.га берилган № 17-03/458 рақамли квартирани хусусийлаштирилгани тўғрисидаги давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Mahalla logo and contact information for the newspaper.

Аъзам ГАДОЙБОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ

Тахрир хайъати: Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА

Шухрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобук. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Басматхонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.



МАҲАЛЛА МАЪБИРИ

КҮЙ (21.03-21.04)

Яқин кунларда эришишингиз мумкин бўлган барча муваффақиятлар сизнинг ўз ҳамкорларингиз билан қай даражада муросяо мадора қила олишингизга боғлиқ бўлади.

СИГИР(22.04-20.05)

Фаол меҳнат фаолияти ва кўнглидаги-дек хордиқ чиқариш ўртасидаги чегарани адашмай белгилли олсангиз, ишларингиз чала бўлмайди, толик-майисиз ҳам.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Қарама-қарши жинс вакили билан сизга ҳеч қандай масъулият юкламайдиган, енгил муносабат кайфиятингизни кўтариши мумкин.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Қийинларингиз муносабати ишларингиз ривожига қанчалик ижобий ёки салбий таъсир кўрсатмасин, кўп нарса барибир ўзингизга боғлиқлиги унутманг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Агар яқин кунларда ўзингиз эга бўладиган маълумотларни тўғри таҳлил қилиб, улардан ўз ўрнида фойдалана олсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Келаси чоршанбага қадар молияга алоқадор кўпгина ишларни муваффақиятли битказиб олиш имкониятига эгасиз. Вақтни бекорга соғурманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Шу кунларда қандай мураккаб ишга қўлга урманг, омад сизга қўлиб боқилиши мумкин. Дам олиш соатларингизни бироз қисқартирсангиз ўзингиз учун яхши бўлади.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Яқин кунларда бирор муҳим қарор қабул қилишга тўғри келса, атрофдагиларнинг сўзига эмас, ўзингизнинг ҳаётий тажрибангизга суянинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Бугун, эртага ва индинга бошлаган янги ишларингиз, тузган режаларингиз арзимас сайёҳ-харакат эвазига ҳам бароридан келавериши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Бордию яқин келажакда амал поғоналаридан юқорилари режалаштириб қўйган бўлсангиз, айни кунларда бунинг ижросига киришингиз мумкин.

КОВҒА (20.01-18.02)

Шу кунларда сиз учун сафарга чиқиш кўнглили бўлади. Қарама-қарши жинс вакилларига ширин муомала қилишга ҳаракат қилинг, муаммолар қамроқ бўлади.

БАЛЛИК (19.02-20.03)

Оилангиздагиларнинг сугурта, мерос, солиқлар билан боғлиқ ишлари сизнинг хатти-ҳаракатингизга боғлиқ бўлиб турган айни пайтда дангасалик қилманг.